

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI

“O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY
ASOSLARI VA MUAMMOLAR” ILMIY TADQIQOT MARKAZI



"MOLIYA BOZORINI RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR
YO'NALISHLARI, ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA
ISTIQBOLLARI"

mavzusidagi
Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

MATERIALLAR TO'PLAMI
2022-yil 25-noyabr

Toshkent 2022

Хамдамов Ш.Р.	ЎЗБЕКИСТОНДА МАРКАЗИЙ БАНК ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ СТАВКАСИНING ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ЎСИШИГА ТАЪСИРИ	203
Isafova Sh.M.	PENSIYA TIZIMINING RIVOJLANISH TARIXI	205
Jumabayeva K.B.	YANGI O'ZBEKISTONDA PENSIYA TA'MINOTI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH	208
Маҳмудова Г.С.	ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	210
Qayimova Z., Nazirova M.	TIJORAT BANKLARINING MOLIYA BOZORIDAGI FAOLIYATI	212
Muqimov Sh.I., Jo'raqulova N.Z., Negmatova S.E.	MOLIYA BOZORINING BOZOR MUNOSABATLARI TIZIMIDAGI AHAMIYATI	214
Muqimov Sh.I., Jo'raqulova N.Z., Negmatova S.E.	MOLIYA - BANK TIZIMINI TRANSFORMATSIYALASH ORQALI MILLIY IQTISODIYOTNI BARQAROR RIVOJLANTIRISH	216
Elmirzayev S.E., Karimov A.I.	IMPROVING MECHANISMS OF ATTRACTING FREE MONEY OF THE INVESTORS IN THE STOCK MARKET	218
Назаров С.М.	СТРЕСС ТЕСТИРОВАНИЕ В УПРАВЛЕНИИ БАНКАМИ	221
Juraeva S.Z	KREDITLASH JARAYONIDA XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI OMILINI TAKOMILLASHTIRISH	223
Бобоёров А.Й.	ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИСЛОМ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ АҲАМИЯТИ	227
Yaxshimuratova X.X.	ANOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA IPOTEKA KREDITLARINING AHAMIYATI	228
Турдиева Я.Х.	ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ БАҲОЛАШ	229
Абдувалиев С.А.	МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ	232
Абдукахарова С.А.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	235
Асқарова М.И.	БАНК МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ	238
Бегимов А.И.	КОРПОРАТИВНАЯ ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА В СИСТЕМЕ УПРАВЛЕНИЯ АКЦИОНЕРНЫМ ОБЩЕСТВОМ	239
Маматов Б.Ш	ДЕПОЗИТАР ТИЛХАТЛАР ЧИҚАРИШ ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ	242
Жумаев И.Б.	МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	243
Нарзуллаева Г.С.	МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	246
Гайбуллаев Р.М.	КИЧИК БИЗНЕСНИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ	249
Нормахматов Ф.Н.	ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭКВАДОР ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	251
Дускобилов У.Ш.	ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШГА ЎТИШДА ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН НАРХЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ	253
Махамадалиева Э	ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КОРПОРАТИВНОЙ КУЛЬТУРЫ КАК ФАКТОРА ВЛИЯЮЩЕГО НА УВЕЛИЧЕНИЕ АКЦИОНЕРНОГО КАПИТАЛА	256
Назарова М.Н.	НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ	260
Olimjonov R.A.	EFFECTIVE USE OF FINANCIAL RESOURCES IN JOINT-STOCK COMPANIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	262
Бегматов С.	ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ	264
Салихова Г.Х.	ФАКТОРЫ И ЭЛЕМЕНТЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ	267
Таджибаева Ш., Рашидов З.	ОСОБЕННОСТИ АНАЛИЗА ЛИКВИДНОСТИ БАЛАНСА И ПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА	269

бенчмарк сўзи ўзбек тилига ўгирилганда, эталон, йўналиш марраси, деган маъноларни билддиради

Маълумки, ДҚҚ – капитал бозори қатнашчилари учун кредит хатари мавжуд бўлмаган қарз инструментининг турли муддатлардаги нархини аниқлайди ва ҳақиқий маънода, капитал бозори учун бенчмарк вазифасини ўтайди.

Молия вазирлиги томонидан ДҚҚ бозорини ривожлантириш бўйича Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда АҚШ Ҳазначилиги билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йил декабрь ойидан бошлаб миллий валютада давлат қимматли қоғозларини чиқариш амалиёти қайтадан тикланди. Натижада 2019 йилда чиқарилган ДҚҚ ҳажми 1,5 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич 3 баробардан зиёдга ортиб, 5 триллион сўмга етди.

Давлат улуши мавжуд корхоналарнинг акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклиф усуллари ёрдамида сотиш орқали уларни хусусийлаштириш режалаштирилган бўлиб, ишлаб чиқилган дастурнинг муваффақияти маҳаллий капитал бозорининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Молия вазирлиги капитал бозори инфратузилмасини тараққий эттириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни унга кенгроқ жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни халқаро молия ташкилотлари, чет эллик инвесторлар, брокерлар, экспертлар ва бошқалар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳам масъул ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 29.12.2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
3. Nguyen, Khoa Huu, A. Coronavirus Outbreak and Sector Stock Returns: The Tale from The First Ten Weeks of 2020 (March 25, 2020). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3559907> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3559907>: <https://insight.factset.com/sp-500-earnings-season-update-april-17-2020>

МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Нарзуллаева Г.С.

Бухоро давлат университети

Бугунги кунда молия ва банк тизими жаҳон миқёсида кундан-кунга ривожланиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Молия ва банк тизими ўзаро чамбарчас бўлган соҳалар бўлиб, уларни замонавий инновацион технологиялар билан такомиллаштириш борасида инновацион янгиликлар

кун сайин ортиб бораётганлиги истеъмолчилар учун замонавий имкониятларни юзага келишини таъминлаб бермоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда бугунги кунда молия ва банк соҳасида жуда катта инновацион янгиликлар амалга оширилмоқда.

Молия ва банк тизимлари бўйича тезкор хизматларни кўрсатиш, онлайн интерактив хизматлар тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар учун кенг имкониятларга эга бўлган замонавий онлайн хизматлар тизимини йўлга қўйиш, ҳисоб рақамлар ва пул кўчириш масалаларини такомиллаштириш, уйдан чиқмасдан туриб исталган турдаги банк хизматларидан фойдаланиш, мобил иловалар тизимини такомиллаштириш, молиявий муносабатларни

банк тизими билан ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш, молиявий активларни бошқариш ҳамда мобил қурилмалар орқали тезкор инновацион хизматлардан фойдаланиш бўйича кўплаб янгиликлар жаҳон амалиётида самарали қўлланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам Муҳтарам, Президентимиз томонидан молия ва банк тизимини ривожлантириш борасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида кўра:

иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида

ишлаб чиқариш ва операциялар жараёнларни рақамлаштириш даражасини

2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларга етказиш, мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш.

Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация

жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида

хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш. Замонавий молиявий хизматлар, операциялар ва технологияларни (финтех) ҳамда нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

Бунда:

илғор хорижий тажриба асосида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш;

соҳада АКТ инфратузилмасини ривожлантириш;

молиявий хизматларни кўрсатишда киберхавфсизликни таъминлаш;

молиявий хизматларни рақамлаштириш орқали уларнинг оммабоплигини оширишни назарда тутиш;

нақд пулдаги тўловга нисбатан нақдсиз тўловларни арзонроқ бўлишини таъминлаш;

жисмоний шахслар томонидан нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун қулай шароитларни яратиш.[1] каби бир қатор муҳим бўлган устувор вазифалар белгиланган бўлиб, уларни 2022-2026 йиллар давомида амалиётга самарали татбиқ этиш орқали, мамлакатимиздаги молия ва банк тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳаларга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш амалга оширилади.

Бундан кўринадики, Президентимиз томонидан мамлакатимиздаги молия ва банк соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган янги инновацион лойиҳалар кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги молия ва банк тизимидаги хизматларини ривожланишига туртки бўлмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги

ПФ-5992-сонли Фармонида кўра:

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида

бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Банк тизимида замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада

таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайитириш бўйича тезкор

чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайитириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш

ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш;

кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш.[2] каби муҳим вазифалар белгилаб берилган бўлиб, уларни амалиётга татбиқ этиш орқали молия ва банк тизимини 2025 йилга қадар, ривожлантириш имкониятлари юзага келади. Бундан кўринадики, мамлакатимизда олиб борилаётган замонавий ислохотлар молия ва банк соҳаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Аммо, шу билан бир қаторда ушбу соҳаларда бугунги кунда турли

хил кўринишдаги муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш замонавий ечимларни талаб этади. Бунинг учун молия ва банк тизимини ривожлантиришда қуйидаги замонавий инновацион технологияларни мамлакатимизга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

молиявий маносабатларни рақамлаштириш тизимини

янги босқичга кўтариш;

банк тизимини инновацион технологиялар билан такомиллаштириш;

молиявий ва банк ҳужжатларини тезкор электрон айланмасини такомиллаштириш;

молия бозоридаги онлайн хизматлар тизимини ривожлантириш;

банк тизимидаги муаммоларни фуқаролар томонидан баҳолаш учун инновацион КРІ баҳолаш даструини жорий этиш;

техник нозосликларни баратараф этиш бўйича инновацион методларни такомиллаштириш лозимдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, молия ва банк тизимини ривожлантириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш демакдир. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда молия ва банк тизимини ривожлантириш орқали, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори даражада ортиб бормоқда, бунга сабаб ривожланган мамлакатлардаги молия ва банк тизимларида замонавий инновацион технологияларни жорий этилганли ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам молия ва банк тизимини такомиллаштиришда заноманий инновацион технологияларни амалиётга самарали қўллаш орқали миллий иқтисодиётимизни юқори суръатларда ўсиши таъминланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2022 йил 28 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон Фармони, 2020 йил 12 май.

КИЧИК БИЗНЕСНИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ

Гайбуллаев Р.М.

*Тошкент давлат иқтисодий
университети, и.ф.д., профессор*

Республикамызда иқтисодийнинг трансформацион ўзгариб бориши ҳам кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши кўп жиҳатдан уларни молиявий томондан қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати ўтказилаётганлиги билан боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, инвестицион сиёсатни фаол олиб бориш иқтисодийтимиздаги барқарорликни, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлишига ва амалга ошаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармони [1] кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор даражада ривожлантиришни мамлакат иқтисодий ҳаётида давр тақозасига айлантирди.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятининг дастлабки босқичларида молиявий ресурсларга эҳтиёжи юқори бўлмасада, улар ривожланиб фаолиятини кенгайтириб бориши давомида уларда айланма маблағларни кўпайтириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш учун молиявий ресурсларга талаб юзага келади. Айнан шу вақтда кичик бизнесда ўз маблағларининг етишмовчилиги молиялаштиришнинг манбаларидан бири бўлган банк кредитларига эҳтиёж уйғотади.

Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда банк секторининг алоҳида ўрни бор, чунки айнан банклар кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти самарали кечиши учун зарур бўлган молиявий хизматларни таклиф этади. Кичик бизнес субъектларига, айниқса энди фаолият юритишни бошлаган тадбиркорлик субъектларига банклардан узок муддатли кредит олиш анчагина мураккаб, чунки улар олинадиган қарз эвазига гаров сифатида такдим этиш учун етарлича бўлган мол-мулкка эга эмас. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш тижорат банклари учун юқори миқдорли харажатларни келтириб чиқаради.

Кичик бизнес субъектларининг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан узок ва нисбатан қисқа муддатларда талаб этиладиган молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз кредит бозори институционал жиҳатдан ривожланиш босқичида экан, таклиф этилиши мумкин бўлган молиявий хизмат турларининг чекланиб турибди. Молиявий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи нобанк муассасаларининг ривожланмаганлигини эътиборга олсак, бу ҳолат кичик бизнес субъектларини ҳам етарли даражада молиялаштиришга имкон бермайди.

Қарз (кредит) орқали молиялаштириш – бу лойиҳани амалга оширишда молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан қаттиқ ташқи назорат барпо этишга олиб келади ва муайян зарар эвазига гаровни расмийлаштириш ва ресурслардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш зарурлигини тақоза этади [2].